

# **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тойлоқ туманидаги Халқ қабулхонасининг 2022-йил 1-чораги давомидаги фаолияти тўғрисида**

## **АХБОРОТНОМА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тойлоқ туманидаги Халқ қабулхонасига 2022-йил 1 чораги давомида жами **78** (*2021 йилда 1-чоракда жами 361 та мурожсаат келиб тушган, шундан 113 та ёзма, 248 оғзаки, ўтган йилга нисбатан 283 тага камайган*) нафар фуқароларни мурожаатлари қабул қилиниб, шундан 66 та ёзма, 12 та оғзаки мурожаатлар тегишли ташкилотларга виртуал орқали юборилган.

Халқ қабулхонасига келиб тушган 78 та мурожаатлардан 65 таси қаноатлантирилган (83 %), 13 та мурожаатлар ўрганиш жараёнида.

Келиб тушган 78 та мурожаатлардан, Суд масалаларига оид 1 та, ички ишлар фаолиятига оид 2 та, алимент масаласида 4 та, суд ижросига оид 4 та, соғлиқни сақлаш масаласида 8 та, пенсия ва нафақа масаласида 2 та, болалар пулини тайинлаш бўйича 5 та, уй-жой ва ер билан ажратиш масаласида 7 та, иш билан таъминлаш масаласида 3 та, кредит олиш масаласида 1 та, банк-молия масаласида 2 та, газ, электр, сув ва иссиқлик таъминоти масалаларида 11 та, йўл қурилиш 5 та, моддий ёрдам олиш масаласида 4 та ва бошқа масалаларда 19 та мурожаатлар келиб тушган.

### **Келиб тушган мурожаатлар секторлар кесимида таҳлил қилинганда:**

**1-сектор** худудидан 34 та мурожаат тушган, 29 та ёзма, 5 таси оғзаки мурожаатлар.

**2-сектор** худудидан 12 та мурожаат тушган, 10 та ёзма, 2 таси оғзаки мурожаатлар.

**3-сектор** худудидан 13 та мурожаат тушган, 11 та ёзма, 2 таси оғзаки мурожаатлар.

**4-сектор** худудидан 19 та мурожаат тушган, 16 та ёзма, 3 таси оғзаки мурожаатлардир.

Ўтган 1-чорак давомида туман Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар, секторлар ва махалла фуқаролар йифини кесимида таҳлил қилинганда, мурожаатларнинг қўп қисми асосан 1-сектор худудидаги “Тараққиёт” махалла фуқаролар йифинидан 5 та, “Янги ҳаёт” махалла фуқаролар йифинидан 4 та, “Зарафшон”, “Ўзбекистон”, “Дўстлик”, “Ўрай Элипок” махалла фуқаролар йифинларидан 3 тадан мурожаатлар келиб тушган.

2-сектор ҳудудидаги “Беклар” ва “Қўрғонча” махалла фуқаролар йиғинларидан 2 тадан мурожаатлар келиб тушган.

3-сектор ҳудудидаги “Ястепа” махалла фуқаролар йиғинида 4 та мурожаатлар келиб тушган.

4-сектор ҳудудидаги “Илмобод” махалла фуқаролар йиғинидан 4 та, “Истиқлол” махалла фуқаролар йиғинидан 3 та мурожаатлар келиб тушган.

Мурожаатларнинг қўп келиб тушишга сабаб, давлат идоралари ва ташкилотларининг фуқароларнинг мурожаатларига яқиндан ёндашмаслиги, мурожатларга қўрсатилган муаммоли масалаларини ўз вақтида бартараф этилмаслиги, мурожаат муаллифларига тушунтириш бериш орқали жавоб хатларини юбориш ҳолатлари кўплиги ва мурожаатларнинг ижобий ечимини топиш даражаси пастлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 8-январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сонли қарори хамда 2019-йил 17-январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5633 сонли фармони асосида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тойлоқ туманидаги Халқ қабулхонаси мурожаатлар билан ишлаш бўйича амалдаги тизим билан бирга, аҳоли муаммоларини уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал этиш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан яқиндан хамкорликда ишларни амалга ошироқда.

### **Сайёр қабулларни ўтказилиши бўйича.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонасининг 2019-йил 23-мартдаги 76-хқ/19-сонли топшириғига асосан, сектор раҳбарлари томонидан ҳар ҳафтада бир маротаба, ҳудуддаги маҳаллаларда сайёр қабуллар ўтказилиши режалаштирилган.

Жорий йилнинг 3 ойи давомида туман ҳудудидаги маҳаллаларда сектор раҳбарлари томонидан **44** маротаба сайёр қабуллар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, **42** маротаба сайёр қабуллар ўтказилган.

Сайёр қабулларда **1173** нафар фуқаролар қатнашиб, улар томонидан **465** та муаммоли масалалар бўйича оғзаки мурожаатлар келиб тўшган, **363** та мурожаатлар ўрганилиб қаноатлантирилган, **96** та мурожаатларга хукуқий асосли тушунтиришлар берилган, **6** та мурожаатлар ўрганиш жараёнида. Қаноатлантирилган мурожаатлар **78 %** ташкил этади.

**1-сектор** рахбари томонидан 3 ой давомида ҳудудда **11** маротаба сайёр қабуллар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, **10** маротаба сайёр қабуллар ўтказилган, ўтказилган сайёр қабулларда **365** нафар фуқаролар қабул қилиниб, улардан **223** та муаммоли масалалар бўйича мурожаатлар келиб тушган, шундан **198** та мурожаатлар ижобий ҳал этилган, **22** та мурожаатлар бўйича хуқуқий асосли тушунтиришлар берилган, **3** та мурожаатлар ўрганиш жараёнида. Қаноатлантирилган мурожаатлар **88 %** ташкил қиласди.

**2-сектор** рахбари томонидан 3 ой давомида ҳудудда **11** маротаба сайёр қабуллар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, **10** маротаба сайёр қабуллар ўтказилган, сайёр қабулларда **216** нафар фуқаролар қабул қилиниб, улардан **93** та муаммоли масалалар бўйича мурожаатлар келиб тушган, шундан **62** та мурожаатлар ижобий ҳал этилган, **28** та мурожаатлар бўйича хуқуқий асосли тушунтиришлар берилган, **3** та мурожаат ўрганиш жараёнида. Қаноатлантирилган мурожаатлар **66 %** ташкил қиласди.

**3-сектор** рахбари томонидан 3 ой давомида ҳудудда **11** маротаба сайёр қабуллар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, **11** маротаба сайёр қабуллар ўтказилган, сайёр қабулларда **386** нафар фуқаролар қабул қилиниб, улардан **56** та муаммоли масалалар бўйича мурожаатлар келиб тушган, шундан **44** та мурожаатлар ижобий ҳал этилган, **12** та мурожаатлар бўйича хуқуқий асосли тушунтиришлар берилган. Қаноатлантирилган мурожаатлар **78 %** ташкил қиласди.

**4-сектор** томонидан 3 ой давомида ҳудудда **11** маротаба сайёр қабуллар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, **11** маротаба сайёр қабуллар ўтказилган, сайёр қабулларда **206** нафар фуқаролар қабул қилиниб, улардан **93** та муаммоли масалалар бўйича мурожаатлар келиб тушган, шундан **59** та мурожаатлар ижобий ҳал этилган, **34** та мурожаатлар бўйича хуқуқий асосли тушунтиришлар берилган, Қаноатлантирилган мурожаатлар **63 %** ташкил қиласди.

Сектор рахбарлари томонидан ўтказилаётган сайёр қабулларда кўплаб мурожаатлар асосан 1-сектор ҳудудидаги “Гулба” махалла фуқаролар йиғинидан 6 та, “Ўрай Элипок”, “Олмазор” “Бофизогон” махалла фуқаролар йиғинидан 5 тадан, “Зарафшон”, “Таракқиёт” махалла фуқаролар йиғинларидан 4 тадан мурожаатлар келиб тушган.

2- сектор ҳудудидаги “Чароғбон” махалла фуқаролар йиғинидан 4 та, “Боғичинор” махалла фуқаролар йиғинидан 3 та мурожаатлар келиб тушган.

3-сектор ҳудудидаги “Файзиобод” махалла фуқаролар йиғинидан 4 та, “Тепақишлоқ”, “Шопулот” махалла фуқаролар йиғинларидан 3 тадан мурожаатлар келиб тушган.

4-сектор ҳудудидаги “Илмобод” махалла фуқаролар йиғинидан 4 та, “Давлатобод”, “Найман”, “Украч”, “Нурафшон” махалла фуқаролар йиғинларидан 3 тадан мурожаатлар келиб тушган.

**1 ва 3 сектор** рахбарлари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда келиб тушган, назоратга олинган мурожаатларнинг натижаси ҳақидаги маъмумотлар, сектор котиблари томонидан туман Халқ қабулхонасига ўз вақтида тақдим этиб борилмасдан келинмоқда, натижада сайёр қабулларда келиб тушган мурожаатларнинг масъул корхона ва ташкилот ходимлари томонидан кўриб чиқилганлиги мавхумлигича қолиб кетмоқда.

### **Ёшлар билан учрашувларни ўтказилиши бўйича.**

Жорий йилнинг 3 ойи давомида сектор рахбарлари томонидан 50 маротаба ёшлар билан учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, сектор рахбарлари томонидан 46 маротаба ёшлар билан учрашувлар ўтказилган ёки ўтказилган учрашувларнинг йиғилиш баёнлари туман Халқ қабулхонасига тўлиқ тақдим қилинмаган.

Ўтказилган учрашувларда 893 нафар ёшлар қамраб олинган, 369 та муаммоли масалалар бўйича оғзаки мурожаатлар қабул қилинган, 183 та мурожаат (49,5%) қаноатлантирилган, 182 та мурожаатларга асосли тушунтириш берилган, 4 та мурожаатлар ўрганиш жараёнида, аксариятини муддати ўтган.

Жумладан, 1-сектор рахбари томонидан 3 ой давомида 13 маротаба ёшлар билан учрашувлари ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, 12 маротаба “Хоким ва ёшлар” учрашувлари ўтказилган, учрашувларда 223 нафар ёшлар қамраб олинган, 162 та муаммоли масалалар бўйича оғзаки мурожаатлар қайд этилган. 86 та мурожаатлар қаноатлантирилган, 73 та мурожаатларга асосли тушунтиришлар берилган, 3 та мурожаатлар ўрганиш жараёнида. Қаноатлантирилган мурожаатлар 72 % ташкил қиласди.

2-сектор рахбари томонидан 3 ой давомида 12 маротаба ёшлар билан учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, 11 маротаба “Прокурор ва ёшлар” учрашувлари ўтказилган, учрашувларда 200 нафар ёшлар қамраб олинган, 65 та муаммоли масалалар бўйича оғзаки мурожаатлар тушган. Мурожаатларнинг 32 таси қаноатлантирилган, 33 та мурожаатларга асосли тушунтиришлар берилган. Қаноатлантирилган мурожаатлар 49 % ташкил қиласди.

3-сектор рахбари томонидан 3 ой давомида 13 маротаба ёшлар билан учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, 11 маротаба “Сектор рахбари ва ёшлар” учрашувлари ўтказилган, учрашувларда 318 нафар ёшлар

қамраб олинган, 58 та муаммоли масалалар бўйича оғзаки мурожаатлар тушган. 34 та мурожаатлар қаноатлантирилган, 24 та мурожаатларга асосли тушунтиришлар берилган. Қаноатлантирилган мурожаатлар 58 % ташкил қиласди.

4-сектор рахбари томонидан 3 ой давомида 12 маротаба ёшлар билан учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, 12 маротаба “Сектор рахбари ва ёшлар” учрашувлари ўтказилиган, учрашувларда 152 нафар ёшлар қамраб олинган, 84 та муаммоли масалалар бўйича оғзаки мурожаатлар тушган. 31 та мурожаатлар қаноатлантирилган, 52 та мурожаатларга асосли тушунтиришлар берилган, 1 та мурожаат ўрганиш жараёнида. Қаноатлантирилган мурожаатлар 37 % ташкил қиласди.

Ўтказилган сайёр қабул ёки учрашувлар бўйича баённомалар ўз вақтида расмийлаштирилиб берилмаган. Жумладан, 1-секторда 10 маротаба ўтказилган сайёр қабулдаги баённомаларнинг бирортаси ҳам тасдиқланиб, туман Халқ қабулхонасига ўз вақтида тақдим этилмаган. Бу бўйича 1-сектор котибига бир неча бор огохлантирилишига қарамасдан тақрорланиб келинмоқда. Бу ҳолат ҳақли равишда Президент Администрациясининг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, жорий йилнинг 28-февралда туманинг “Шопўлот” маҳалласида ёшлар билан ўтказилган учрашувда ёшлар томонидан бор йўғи 1 та мурожаат қайт этилганлиги баённомада кўрсатилган. 24-феврал куни “Файзиобод” маҳалласида ўтказилган учрашувда 32 нафар ёшлар иштирок этган бўлсада 3 нафар ёшларнинг муражгаатлари қайд этилган.

### **Мурожаатлар билан ишлаш юзасидан ўтказилган ўрганишлар бўйича.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосарининг 2021-йил 13-январдаги 07-2-116-сонли топшириғига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Фуқаролар хуқуқларини ҳимоя қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларининг 2021-йил 1-чорак учун тасдиқланган Назорат чоратадбирлари режасига мувофиқ туман Халқ қабулхонасининг 2022-йил 1-чораги иш режасига асосан, туман Халқ қабулхонаси томонидан жорий йилнинг март ойида туман Бандликка қўмаклашиш маркази ва туман тиббиёт бирлашмасида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати бўйича ўрганишлар ўтказилди.

2022-йилнинг 1-чораги давомида марказга жами 60 та мурожаат келиб тушган бўлиб, тегишли формаларда киритилиб, ижро этишлик учун марказ инспекторларига берилган.

Ўрганишда, туман Ахоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган муддатларда ва талаблар асосида кўриб чиқиш масаласида хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, натижада фуқаролар мурожаатлариға сифатсиз жавоблар бериш ва мурожаатларнинг кўриб чиқиш муддатларини бузиш ҳолатлари аниқланган.

Хусусан, туманнинг Адас маҳалласида яшовчи фуқаро Мамараимов Шахбоз Ўзбекистон Республикаси Президентининг веб сайти орқали мурожаат қилганлиги, ўз мурожаатида унинг ўрнига бошқа фуқаро ишга ўтиб кетганлиги ҳақидаги мурожаати тизим орқали туман Ахоли бандлигига кўмаклашиш марказига юборилганлиги, ички тартибда мурожаатга 15 кунда жавоб берилиши кўзда тулилган бўлсада, ушбу мурожаат 31 кун деганда ариза муаллифига жавоб берилганлиги, аммо мурожаат муаллифи жавоб хатини олмаганлиги, ушбу мурожаатни ўрганиш марказ инспектори С.Асламов томонидан олиб борилганлиги, мурожаатларни қайд қилиш китобида ушбу мурожаат ижро қилинганлиги ёки мурожаатни олганлиги ҳакида ҳеч қандай имзо қўйилмаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонасининг 2019-йил 23-мартдаги 76-хq/19-сонли топшириғига асосан ташкилот раҳбарларининг ҳар ҳафтада бир маротаба фуқаролар билан шахсий қабул ўтказиш кўзда тутилган бўлсада, марказ раҳбари томонидан 2021-йил давомида бирор маротаба шахсий қабул ўтказилмаган ҳамда қабуллар жадвали тузилмаган, 2022-йилнинг 1-чорагида ҳам марказ томонидан шахсий қабул ўтказиш ҳақидаги жадваллар тузилмаган.

Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмасида жорий йилининг январ-феврал ойлари давомида жами 64 та мурожаат келиб тушган бўлиб, тегишли формаларда киритилиб, ижро этишлик учун бирлашма масъуллариға топширилган. Келиб тушган мурожаатлардан 43 таси виртуал қабулхонадан, 21 та мурожаат тўғридан-тўғри фуқаролардан келиб тушган.

Туман тиббиёт бирлашмасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 29-мартдаги 140-сон қарорига асосан Иш юритишнинг аҳволи бирлашмада тўлик амалга оширилмаганлиги, фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларни рўйхатга олиш китоби, бошқа ташкилотларга юборилаётган жўнатмалар китобларига 2021-йил июл ойидан бўён қайд қилинмасдан келинаётганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонасининг 2019-йил 23-мартдаги 76-хq/19-сонли топшириғига асосан ташкилот раҳбарларининг ҳар ҳафтада бир маротаба фуқаролар билан шахсий қабул ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, бирлашма томонидан раҳбарнинг шахсий қабул жадвали, раҳбар томонидан тасдиқланиб, амалга

оширилиб келинган, лекин 2022-йил 16-марта бирорта шахсий қабул баённомалари тузилмаган, ушбу қабуллардаги муаммолар ўз ечими топган ёки топмаганлиги бўйича маъулмотлар бирор жойда акс эттирилмаган.

Мурожаатнома талабларидан келиб чиқиб, мазкур ташкилотларда юқорида қад этилган қонун хужжатлари талабларига мувофиқ иш ташкил қилинишига, Ўзбекистон Республикаси Виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилинишига, уларда кўрсатилган муаммоларнинг туб моҳиятига етиб борилишига, муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омиллар таҳлил қилинишига ва уларни ижобий ҳал этилишига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган муддатларда ва талаблар асосида кўриб чиқиш масаласида хато ва камчиликларда йўл қўйилмоқда. Натижада фуқаролар мурожаатларида сифатсиз жавоблар бериш ва мурожаатларнинг кўриб чиқиш муддатларини жиддий бузиш ҳолатлари кузатилмоқда. Хусусан, туманнинг “Галаботир” маҳалласида яшовчи фуқаро Йўлдошева Фариданинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонасига 2022-йил 21-феврал куни дехқончилик қилиш учун ер майдони ажратиб беришда амалий ёрдам беришни сўраб қилган мурожаати 26045-хq-22-сон билан қайд этилиб, тизим орқали туман ҳокимлигига йўналтирилган. Мазкур мурожаат туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари томонидан кўриб чиқилиб, мурожаатнинг бир ойлик муддати бузилиб ёпилган.

### **Худудлардаги долзарб муаммолар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 2-апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқейини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5700-сонли Фармонининг 3-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 1-мартағи “Оила ва Хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сонли Фармонига асосан фуқаролар йигини раислари ўз маҳалласи худудидаги аниқланган долзарб муаммолар тўғрисидаги маълумотларни сектор рахбарлари ва Халқ қабулхоналарига тақдим этиб бориш тартиблари белгиланган.

Халқ қабулхонасига маҳалла фуқаролар йигинлари томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаги маҳаллаларда аҳолининг ичимлик суви, суюлтирилган газ баланлари, йўл курилиши, электр таъминоти бўйича муаммолари мавжудлиги, бу

муаммоларни бартараф этиш юзасидан масъул ташкилот раҳбарлари томонидан ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўрмаслик ҳолатлари аниқланмоқда.

Хусусан, туманинг “Илмобод” маҳалла фуқаролар йигинининг “Чулдур” қишлоғида 170 дан ортиқ хонадон мавжуд бўлиб, ҳозирги кунга қадар бу хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланмаганлиги, 2019-йилдан бўён Дастурга киритиш учун таклифлар бериладиган бўлсада, бугунги кунга қадар бу ўз ечимини топмаганлиги аниқланди. Бу каби аҳолининг ичимлик сувига бўлган муаммолари тумандаги “Нурафшон” маҳалла фуқаролар йигинида, “Урай-Элипок” маҳалла фуқаролар йигининг “Пастқишлоқ” қишлоғида ва бошқа қишлоқларда ҳам мавжудлиги аниқланган.

Шунингдек, туманинг “Илмобод” маҳалла фуқаролар йигинида яшовчи фуқаролардан 80 нафарининг суюлтирилган газ баланларига бўлган эҳтиёжлари аниқланиб, маҳалла томонидан рўйхатлари шакллантирилиб, жорий йилнинг январ ойида “Тойлоқтумангаз таъминоти” корхонасига тақдим этилган бўлсада, бугунги кунга қадар мазкур масалани кўриб чиқиб, ижобий ҳал этиш чоралари қўрилмаганлиги, шу маҳалла фуқаролар йигинининг “Давлатобод” қишлоғида аҳоли сонининг ўсиб боришини ҳисобга олиб, кўшимча 160 Кв ТП ажратилган бўлсада, лекин ажратилиши режалаштирилган 30 дона бетон устунлар, 2,5 км қопламали кабеллар бугунги кунга қадар берилмаганлиги боис қишлоқда аҳоли томонидан қўлбола симёғочлар ўрнатилганлиги, бу ўз навбатида фуқароларга ва уларнинг мулкига хавф туғдириб келаётганлиги аниқланган. Бу каби аҳолининг электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммолари тумандаги “Нурафшон” маҳалласининг “Нурафшон” қишлоғида, “Қўргонча” маҳалласининг “Қозихона” ва “Қўргонча” қишлоқларида, “Урай-Элипок” маҳалласининг “Пастқишлоқ” қишлоғида ҳам мавжудлиги аниқланган.

Туман Халқ қабулхонасидаги мавжуд маълумотлар ва ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим маҳалла расиларининг масъулиятсизлиги оқибатида юқорида кўрсатилган Фармон тартиб қоидаларига риоя этилиши тизимли равишда ташкил қилинмаган ва жорий йилнинг 1-чорак якуни бўйича диярли барча маҳалла раислари томонидан тегишли маълумотлар тақдим этилмаган.

### **“Обод қишлоқ” дастури ижроси бўйича.**

Бугунги кунда тумандаги “Галаботир” ва “Ғулба” маҳалла фуқаролар йигини оғир ҳудуд тоифасига киритилган бўлиб, “Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш режалаштирилган.

Ғулба маҳалла фуқаролар йиғининг “Мачит” қишлоғида 2500 метр, “Сой” қишлоғида 3600 метр йулларга тош тўкилиб шағаллаштирилди, маҳалланинг “Сой” қишлоғига сув минораси туман “Сувокава” корхонаси томонидан қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Дастур доирасида режалаштирилган ишлар ижроси туман Халқ қабулхонаси ходимлари томонидан мониторинг қилиниб борилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Халқ депутатлари Тойлоқ туман Кенгашининг навбатдаги йиғилишида, “Обод қишлоқ” Дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш, секторлар фаолиятини янада такомиллаштириш учун сектор котибларининг малакасини ошириш, сектор ишчи гурухига жалб қилинган масъул ходимларни корхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан доимий иштирокини таъминланиши, сайёр қабул ва ёшлар билан учрашувларни тасдиқланган жалдвалга асосан ўз вақтида ўтказилиши, ўтказилган сайёр қабул ва учрашувларнинг йиғилиш баённомалари расмийлаштириш, мурожаатчиларнинг қаноатлантириш даражасини ошириш, сектор штаби томонидан ёшларнинг муаммолари билан танишиб, ҳар ойда бир маротаба маҳаллий кенгаш сессияларида уларни муҳокама қилиш учун ахборот киритиш, келиб тушган мурожаатларнинг ўз вақтида ижросини таъминланиши ва натижаси ҳақида туман Халқ қабулхонасига маълумот тақдим қилиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Тойлоқ тумандаги Халқ қабулхонаси  
мудири:**

**Қ.М.Исмоилов**